

**УМУМИЙ ЎРТА ТАЪЛИМ МАКТАБЛАРИДА ҲАРАКАТЛИ ЎЙИНЛАР
ОРҚАЛИ ОММАВИЙ СПОРТНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ
ПЕДАГОГИК-АМАЛИЙ АСОСЛАРИ**

Эрбекова Барно Нарбоевна

Алфраганус университети Жисмоний

тарбия ва спорт факултети

2-курс магистратура талабаси

shokiralbekov@gmail.com

Аннотация: Мазкур мақолада умумий ўрта таълим мактабларида ўқувчи ёшларни жисмоний тарбияга жалб этишда ҳаракатли ўйинларнинг ўрни, улар орқали оммавиий спортни ривожлантиришнинг самарали усуслари, методологик ва педагогик асослари таҳлил қилинган. Давлат сиёсати даражасида жисмоний тарбия ва спортга берилаётган эътибор, таълим муассасаларида амалга оширилаётган чора-тадбирлар, ижтимоий ҳамкорликнинг аҳамияти ва педагогик тавсиялар ёритиб берилган.

Калит сўзлар: оммавиий спорт, ҳаракатли ўйинлар, мактаб спорти, жисмоний тарбия, ижтимоий ҳамкорлик, ёшлар сиёсати, таълим.

**ПЕДАГОГИКО-ПРАКТИЧЕСКИЕ ОСНОВЫ РАЗВИТИЯ МАССОВОГО
СПОРТА ЧЕРЕЗ ПОДВИЖНЫЕ ИГРЫ В ОБЩЕОБРАЗОВАТЕЛЬНЫХ
ШКОЛАХ**

Эрбекова Барно Нарбаевна

Факультет физической культуры и спорта

Университет Альфраганус, магистр 2-курса

shokiralbekov@gmail.com

Аннотация: В данной статье анализируется роль подвижных игр в привлечении учащейся молодежи к физическому воспитанию в общеобразовательных школах, эффективные методы, методологические и педагогические основы развития массового спорта посредством них. Освещены внимание, уделяемое физической культуре и спорту на уровне государственной политики, меры, осуществляемые в образовательных учреждениях, значение социального партнерства и педагогические рекомендации.

Ключевые слова: массовый спорт, подвижные игры, школьный спорт, физическое воспитание, социальное сотрудничество, молодежная политика, образование.

**PEDAGOGICAL AND PRACTICAL FOUNDATIONS OF DEVELOPING
MASS SPORTS THROUGH MOVEMENT GAMES IN GENERAL
SECONDARY SCHOOLS**

Erbekova Barno Narbayevna

The Faculty of Physical Culture and Sports

of the University of Alphraganus

Graduate student of the 2nd year

shokiralbekov@gmail.com

Abstract: This article analyzes the role of active games in attracting student youth to physical education in general secondary schools, effective methods of developing mass sports through them, and methodological and pedagogical foundations. The attention paid to physical culture and sports at the level of state policy, the measures being implemented in educational institutions, the importance of social cooperation, and pedagogical recommendations are highlighted.

Keywords: mass sports, active games, school sports, physical education, social partnership, youth policy, education.

КИРИШ

Соғлом авлодни тарбиялаш – бугунги кунда Ўзбекистон Республикасида давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири сифатида эътироф этилмоқда. Президентимиз Ш.М.Мирзиёев таъкидлаганидек, “Ёшлар – келажагимиз эгалари, уларнинг жисмоний ва маънавий соғломлиги бутун мамлакатнинг тараққиёти ва барқарорлиги гаровидир”. Шу маънода, умумий ўрта таълим муассасаларида болаларнинг оммавий спортга қизиқишини ошириш, ҳаракатли ўйинлар асосида спортга жалб этиш масаласи тобора долзарб аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистонда жисмоний тарбия ва оммавий спорт соҳасини ривожлантиришга қаратилган кенг қамровли давлат дастурлари, хусусан, Президентнинг 2017 йил 3 июндаги ПҚ-3031-сонли “Жисмоний тарбия ва оммавий спортни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори, 2021 йилда қабул қилинган “Ўзбекистонда спорт соҳасини 2030 йилгacha ривожлантириш концепцияси” бугунги кун тадқиқотларининг илмий-амалий аҳамиятини белгилаб беради. Шу билан бирга, “Умид нихоллари”, “Баркамол авлод”, “Универсиада” спорт ўйинлари каби уч босқичли тизим ёшлар ўртасида соғлом рақобат ва спорт мухитини яратишга хизмат қилмоқда.

Таълим шахсни ҳар томонлама ва гармоник шаклантиришга қаратилган яхлит педагогик жараённинг таркибий қисми ҳисобланади. Жисмоний тарбияда ҳаракатларга ўргатиш ўқитувчининг бевосита раҳбарлиги остида ҳамда унинг кузатуви остидаги ўқувчиларнинг мустақил фаолиятида амалга оширилади. Ҳаракат фаолиятига ўргатиша ўқувчининг англаш, иродавий ва эмоционал кучлари ривожланади ҳамда унинг амалий ҳаракат кўнималари шакланади.

Ҳаракатларга ўргатиш ўқувчи ички дунёси –хис-туйғуси, тафаккури, астасекин шаклланадиган дунёқараши, аҳлоқий фазилатларига; ўқувчилар томонидан бажариладиган, саломатлик ва умум жисмоний ривожланиш учун фойдали бўлган ҳаракат фаолиятига мақсадга йўналган тарзда таъсир этади.

Таълим мазмунини жисмоний машқлар, жумладан, программага мувофиқ танланган ҳаракатли ўйинлар ташкил этади. Таълим жараёнида катталар ўқувчиларга мақсадга йўналтирилган фаолиятнинг тажрибасини беради. Унинг мазмунига ривожланиш ва такомиллашишга хизмат қилувчи ҳаракатларни эгаллаш тажрибаси ҳам киради.

Бошланғич синф ёшидаги ўқувчилар билан ишлашда уларнинг ёш хусусиятларини ҳисобга олиш жуда зарур, ўқувчининг онгли ҳаракат фаолиятида асқотадиган айрим билимлар: ўқувчини ҳаракатларга ўргатувчи фаолияти усуллари, фаолият ва уларни амалга оширишнинг малака ва кўнималари ҳақидаги билимлар бирлиги тажрибанинг таркибий компонентларини ташкил этади. Учинчи компонент ижодий фаолият тажрибаси ҳисобланади. “Ўқувчиликдан мустақил фикрлашга ўргатилмаган ва ҳамма нарсани чайнаб берилгандан сўнг ўзлаштириладиган киши унга табиат томонидан берилган сифатларни намоён қила олмайди. Шунинг учун жамият ёш авлоднинг ижодий фаолиятга ўрганишига тамоман бефарқ қараб туролмайди”.

Жисмоний тарбиянинг бу соҳасидаги тадқиқотлари бошланғич синф ёшидаги ўқувчиларнинг ижодий фаолияти ҳаракатли ўйинлар ва жисмоний машқлар жараёнида муваффақиятли ривожланишини кўрсатди.

Тажрибанинг сўнгти компоненти кишиларнинг борлиқقا, бир-бирига бўлган эмоционал жиҳатдан ноёб муносабати-емоционал тарбияланганлик тажрибасидир.

У илмий билимлар, аҳлоқий нормалар, воқеликнинг эстетик кўринишлари, жамиятнинг ижтимоий-сиёсий фаолиятига нисбатан эмоционал баҳолаш муносабатини кўзда тутади. Ҳали бу муносабат шаклланмаган, ўзлаштирилмаган экан, гарчи кишида билим, малака ва ижодий қобиляйт бўлса ҳам тарбияланганлик бўлмайди”. Бу компонент алоҳида эътиборни ва оғишмаган ҳолда шаклланганликни, шахснинг ва бутун мухитнинг таъсирини талаб этади.

Ҳаракат фаолиятини тарбиялаш жараёнида катталар (ота-оналар, тарбиячилар) ўқувчилар ривожланишининг психофизиологик хусусиятларини

хисобга олган ҳолда улар олдиға янги ҳаракат вазифаларини қўядилар. Бу ҳаракат кўнилмалари ва жисмоний сифатларни шакллантиришга қаратилган дастурнинг аста-секин ошиб борадиган талабларида аниқ ифодаланади.

Янги нарсани ўзлаштириш ўқувчидан муайян жисмоний ва психик кучни, қийинчиликларни энгиб ўтишни талаб этади. Янги дастур талаби алоҳида олинган ҳар бир ҳолатда (ўқувчи учун эса янги жуда мураккаб вазифа) ҳаракатлар ривожланишининг реал даражасига эришилган ҳаракат малака ва кўнилмаларига нисбатан зид хисобланади. Бу зиддиятни энгиб ўтиш ривожланишнинг ҳаракатланувчи кучини ташкил этади.

Ўқувчининг машқлар жараёнида янги ҳаракат вазифаларини тобора ҳал эта бориши ва шу билан боғлиқ равишда вужудга келадиган катта имкониятлар ҳаракатлар характеристи ва сифатини ўзгартиради. Бу ёш даври учун жуда характерли бўлган нарса янги машқларга ўргатиш жараёнида гўё бир айланиб янгича сифат касб этади. Чунончи, ўқувчининг юриши дастлабки пайтда ва иккинчи йилнинг охирида бутунлай фарқ қиласи. Бу ҳодисани янгиликнинг эски нарсани диалектик инкори, барча ривожланишнинг ва зиддиятларни ҳал этишнинг объектив шарти, ҳаракатлантирувчи омил сифатида қўрсатиш мумкин. “Ҳеч бир соҳада ривожлантириш ўзидан олдинги яшаш формаларини инкор этмасдан кечиши мумкин эмас”. Бундай мураккаб ривожланиш жараёни ташки ва ички шароитнинг ўзаро алоқадорлигига тўхтовсиз кечади.

Қийинчиликларни енгиш ва янги вазифаларни ҳал этиш ўқувчидаги ижобий эмоционал кайфият ҳосил қиласи. Бу эришилган мақсад, тарбиячи баҳосига мувофиқ янги мускул сезгилари туфайли юзага келади. Пайдо бўлган ўзгаришларни мустаҳкамлаш янада юксакроқ ютуқларга интилиш уйғонишга хизмат қиласи. Бу мураккаб жараён доимо ўқитувчи назорати остида бўлиши керак. Бир томондан ўқувчининг янги ҳаракат вазифасини тушуниб олишини таъминлаш лозим, иккинчи томондан ўқувчидаги мустақиллик ва уни мавжуд реал ҳаракат имкониятлари ҳамда юзага келувчи қизиқиш, эмоциялар асосида амалга ошириш ғайратини уйғотиш зарур.

Таълим ўқувчидан диққатни бир жойга тўплашни, конкрет тасаввур, фаол фикрлашни, хотирани ривожлантиришни талаб қиласи: агар таълим жараёни қизиқарлилик касб этиб, эмоционал рухда бўлса-емоционал; ҳаракат намунаси тарбиячи томонидан образли тарзда кўрсатилса ва ўқувчилар томонидан бажарилса-образли; ҳаракатли ўйин ва уларни мустақил бажаришда барча машқ элементларини бажариш изчиллиги вазифалари тушуниб ва эслаб қолинса оғзаки мантиқий машқлар ўқувчиларнинг ўзлари томонидан амалда бажариш билан боғлиқ бўлса-мотор ҳаракат; таълим эркин бўлиши керак- чунки усиз машқларни онгли, мустақил бажариш мумкин эмас.

Ўқувчиларга таълим бериш аҳлоқий тарбия, ўқувчининг маънавий туйғуси ва онгини шакллантириш, унинг олижаноблик ва ўзаро ёрдам, мақсадга интилиш, ҳалоллик, адолатлилик каби аҳлоқий-иродавий сифатларни ривожлантириш билан бевосита боғлиkdir.

ХУЛОСА

Тўғри ҳаракатларга ўргатишнинг бутун жараёни ўқувчиларда нафосат ҳисларни тарбиялайди. Ўқувчилар аста-секин эгаллаб борадиган чиройли ҳаракатлар, аниқ сафланиш, уларнинг ёшига хос ўйин образларининг ижодий ифодалилиги, ўйинларда шеърий текстлар, ўйин бошланмалари, санашмачоқларбуларнинг ҳаммаси ўқувчиларда нафосат дидни тарбиялаш вазифасига хизмат қиласи. Ўқувчилар ва ўқитувчиларнинг костюмлари, жисмоний тарбия қўлланмалари ва ҳоказоларнинг ташқи безатилиши катта аҳамият касб этади

АДАБИЁТЛАР

1. Ш.М.Мирзиёев. “Янги Ўзбекистон – халқимизнинг миллий уйғониши ва тараққиёти йўли”, Т.: “Ўзбекистон”, 2021.
2. Ўзбекистон Республикаси 2017 йил 3 июндаги “Жисмоний тарбия ва оммавий спортни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ти ПҚ-3031-сонли қарори.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йилги Мурожаатномаси.
4. Сухомлинский В.А. “Сердце отдаю детям”. М.: Просвещение, 1973.
5. Хонкелдиев Ш. “Жисмоний тарбия ва спорт методологияси”. Тошкент, 2019.
6. Усмонходжаев Т.С., Турсунов У.Т. “Мактаб жисмоний тарбияси назарияси ва методикаси”, Тошкент, 2020.
7. Гончарова Т.Н., Котова И.В. “Физическая культура в школе”, Москва, 2005.
8. Амонашвили Ш.А. “Гуманная педагогика”, Тбилиси, 2004.